

УДК: 632. 912. 934.

## ОЛМА БОҒЛАРИДА ЎРГИМЧАККАНАГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

**Д.Ғ.Равшанов.**

Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси бош мутахассиси.

**<sup>2</sup>Х.М.Бойжигитов.**

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик  
илмий-тадқиқот институти Кашқадарё ИТС к.и.х.

**Г.Б.Суюнова.**

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти таянч  
докторанти.

**Н.Т.Тўраев.**

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик  
илмий-тадқиқот институти Хоразм ИТС директори.

**У.Пўлатова**

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик  
илмий-тадқиқот институти Кашқадарё ИТС лаборанти.

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада республикамиз ҳудудида етиштирилаётган олма агробιοценозида учрайдиган ўргимчаккана қарши қўлланилган препаратларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Олиб борилган тадқиқотлар давомида ўргимчакканага қарши қўлланилган Puzzle 20 WP, 20% (0,5-0,75 л/га) сарф-меъёрда қўлланилганда 3 ҳисоб кунида назоратга нисбатан 81,3-84,2% биологик самарадорликка эришилди. 14 ҳисоб кунига келиб эса бу кўрсаткичлар 92,4-96,0% ни ташкил этди. Андоза вариант сифатида Крафт 3,6% с.э.эм препарати 0,4 л/га сарф-меъёрда қўлланилган вариантда назоратга нисбатан 79,3-93,8%

самарадорликка эришилди.

**Калит сўзлар.** Олма, зараркунанда, препарат, ўргимчаккана, ривожланиши, тарқалиши, зарари келтириш даражаси.

**Кириш.** Бугунги кунда олма боғларида учрайдиган зарарли организмларга қарши ўз вақтида кимёвий кураш чора-тадбирлари қўлланилса, зараркунандаларнинг зарар келтириш даражаси камаяди ҳамда, олинадиган ҳосилнинг миқдори ва сифати янада ортади. Зарарли организмларга қарши кимёвий кураш усули тез ва юқори самара беради.

Шу сабабли, олма агробιοценозида учрайдиган сўрувчи зараркунандаларнинг тур-таркибини ўрганиш ва уларга қарши илмий асосланган ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муоммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра дунё бўйича бугунги кунда мевали боғларда 300 дан ортиқ турдаги зарарли организмлар зарар келтирмоқда [2].

Мевали боғларга зарарли ҳашарот ва каналар республикада кенг тарқалиб жиддий зарар етказадиган ўсимлик ширалари, қалқондорлар, гулхўрлар ва ўргимчакканаларнинг бир неча турлари бугунги кунда олинадиган ҳосилни 50-60 % гача қисмини нобуд қилмоқда. Айрим ҳудудларда бу зараркунандалар таъсирида катта майдонлардаги боғларнинг қуриб қолиши кузатилмоқди [6].

Боғ канаси бир мунча майдароқ (400x200 мкм), чўзилган тур бўлиб, ранги ёзда яшил-сарик, қишлайдигани эса тўқ сарикдан қизғишгача, елкасида 13 жуфт тукчалари кўндаланг қаторларда жойлашган. Тухуми юмалоқ (110 мкм), тиниқ, лойқа-сарик тусда [3].

Мевали дарахтларга ўргимчакканаларнинг кўплаб турлари зарар етказиши мумкин. Ўзбекистонда тетранихид каналардан мевали дарахтларда қуйидаги турлари учрайди: оддий ургимчаккана, дўлана канаси, боғ ўргимчакканаси ва бошқалар. Мевали боғлар ўргимчакканалар билан зарарланганда дарахтлар июл-август ойларида кўпинча баргсиз ҳолатга келиб қолиши мумкин, чунки зарарланиш оқибатида барглар сарғайиб тўкилиб кетади, умуман дарахт қийналиб ҳосили майда сифатсиз ва кам бўлиб қолади, ҳосилдорлик 35-70% гача камайиши мумкин [1].

Уруғ мевали боғларда бу зараркунанданинг биологияси ва экологиясини ўрганган муаллифнинг фикрига кўра каналарнинг бу тури йил давомида 10-12 авлод бериб кўпаяди. Оталанган урғочи зотлари дарахт пўстлоқлари

ёриқларида тўп-тўп бўлиб қишлаб чиқади. Баҳорда дарахт барглари ёзила бошлаши билан уйқудан чиқиб қўшимча озиқланади. Қолган умри (40-60 кун) ичида жами ўртача 50 дона тухум қўяди ва янги бўғинни бошлаб беради. Қишлашга кетиш августдан бошланиб, 2,0-2,5 ой давом этади [1, 7].

**Тадқиқот ўтказиш жойи ва усуллари.** Тадқиқотлар 2020 йилда Тошкент вилояти, Тошкент туманида жойлашган Академик М.Мирзаев номидаги БУ ва ВИТИ олма боғларида олиб борилди. Олма дарахти 5 ёш ҳосилга кирган, “Фуджи” нави.

Синалаётган акарацид 3 қайтарилишда, 5 донадан дарахтларда қўлланилди. Кимёвий ишлов вегетация давомида 3 маротаба; биринчи кимёвий ишлов зараркунанданинг биринчи авлоди пайдо бўлганда ва дарахтлар мевага кирганда, кейинги ишловлар эса қўлланилаётган дориларнинг таъсир механизмига қараб ўтказилади, ҳар бир кимёвий ишловдан 14 кундан кейин 1000 л/га ишчи эритма ҳисобида ўтказилди.

Зараркунандаларга қарши қўлланилган препаратларнинг биологик самарадорлиги аниқлашда “Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш” бўйича услубий қўлланмалардан фойдаланилди [4].

**Тадқиқот натижалари.** Олма боғларида ўргимчакканага қарши 2020 йилда Puzzle 20 WP, 20% акарациди 0,5-0,75 л/га сарф-меъёрда синовдан ўтказилди. Андоза сифатида Крафт 3,6% с.э.эм. инсектициди танлаб олинди (жадвал).

Тажриба синов натижаларига кўра олма боғларида ўргимчакканага қарши Puzzle 20 WP, 20% препарати 0,5 л/га сарф-меъёрда қўлланилган вариантда 3 ҳисоб кунда назоратга нисбатан 81,3% самарадорликка эришилган бўлса, 0,75 л/га сарф-меъёрда қўлланилган вариантда 84,2% самарадорликка эришилди. 14 ҳисоб кунга келиб эса бу кўрсаткичлар 92,4-96,0% ни ташкил этди.

Андоза вариант сифатида Крафт 3,6% с.э.эм инсектициди 0,4 л/га сарф-меъёрда қўлланилган вариантда 3 ҳисоб кунда назоратга нисбатан 79,3% самарадорликка эришилган бўлса, 14 ҳисоб кунга келиб эса бу кўрсаткич 93,8% намоён этди. Назорат вариантыда эса каналар сони 14 кун давомида камаймаганлиги кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда олма боғларида ўргимчакканага қарши Puzzle 20 WP, 20% (0,5-0,75 л/га) ва Крафт 3,6% с.э.эм. 0,4 л/га препаратлари

билан белгиланган муддатларда тўғри қўлланилганда олма агробиоценозида ўргимчакканалар миқдорини кескин камайтириш имконини беради.

**жадвал**

**Олма боғларида ўргимчакканага қарши қўлланилган Puzzle 20 WP,  
20%**

**акарацидининг биологик самарадорлиги**

Дала синов-тажрибаси, Тошкент вилояти, академик М.Мирзаев номидаги  
БУ ва ВИТИ, 2020 йил.

№	Вариантлар (препаратлар номи)	Қўллаш меъёри, кг/га ёки, л/га	Бир баргдаги каналарнинг ўртача сони, дон				Биологик самарадорлик кунлар бўйича, %		
			ишловдан олдин	ишловдан кейинги кунларда			3	7	14
				3	7	14			
1.	Назорат (ишлов берилмаган)	-	6,6	9,2	10,9	11,3	-	-	-
2.	Крафт 3,6% с.э.эм. (андоза)	0,4	5,2	1,5	1,4	1,0	79,3	83,7	88,7
3.	Puzzle 20 WP, 20%	0,5	6,9	1,8	1,5	0,9	81,3	86,8	92,4
		0,75	7,3	1,6	1,5	0,5	84,2	87,5	96,0

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Стрункова З.И. Тетраниховые клещ-вредители плодовых культур Гиссарской долины Таджикистана.–Душанбе. 1972.–С. 3-173.
2. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган химоя қилиш, ҳамда агротоксикология асослари. – Т. 2014 «Navroz» нашриёти – Б.307-311.

3. Хўжаев Ш.Т. Энтмология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари. “Navroz” нашриёти.– Тошкент 2013. – Б.282-283.
4. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид ва биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар // Тошкент.-2004.
5. Abbot W.S. A method of computing the effectiveness of an insecticide // J. Econ. Entomol. – Vol. 18. – 1925. - N 3. – pp. 265-267.
6. Гунчак В.М., Гунчак М.В. Результаты использования биорациональных препаратов в интегрированной защите яблони. // Инф. бюлл. ВПРС МОББ (мат. докл. межд. симп. «Защита растений-результаты и перс», Кишинёв, 27-28.10.2015 г.).–Кишинёв, 2015. –С. 341-344.
7. Юсупов. А.Х., Учаров А.А., Маматов К.Ш., Шукуров Х.М., Мухитдинов В.Н. Интенсив усулда етиштирилаётган мевали боғларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш тизими. Тавсиянома.– Тошкент, 2018.–Б.5-11.